



ДМИТРОВ МЕХНАТ ТУЗАТУВ ЛАГЕРИ ВА МОСКВА-ВОЛГА КАНАЛИ ҚУРИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТГАН НАМАНГАНЛИК МАХБУСЛАР ХАЁТИ

Хасанов Жасурбек Маматқодирович – Андижон давлат университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти

Аннотация: Мақола Дмитров меҳнат тузатув лагерининг ички-тартиб қоидалари ва у ердаги тартибсизликларни олдини олиш ва назоратини кучайтирилиши ва Москва-Волга канали қурилишида иштирок этган Наманганлик маҳбуслар ҳақида.


Калит сўзлар: ОГПУ, "Учинчи бўлим", Дмитлаг, лагер участка жазо изоляторлари, маҳбус.

ОГПУнинг барча лагерларида бўлганидек, Дмитровск ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерининг разведка ва тезкор хизмати ҳар жиҳатда лагерь бошлиғига бўйсинадиган ОГПУ ГУЛАГининг 3-бўлимига юклатилган эди.

Шу муносабат билан ПП ОГПУ МОнинг махсус инспекциясига ОГПУ Дмитлаг бўйича тугатилишга ҳамда уларнинг бутун шахсий таркибини ОГПУ ГУЛАГи Дмитлагнинг 3-бўлимига ўтказиш тўғрисида буйруқ берилди[1: 238-б].

Шу муносабат билан ПП ОГПУ МОнинг махсус инспекциясига ОГПУ Дмитлаг бўйича тугатилишга ҳамда уларнинг бутун шахсий таркибини ОГПУ ГУЛАГи Дмитлагнинг 3-бўлимига ўтказиш тўғрисида буйруқ берилди.

"Учинчи бўлим" ахборот-тергов бўлими ҳамда ОГПУнинг Дмитров лагери ҳарбийлашган қоровул қисмини бирлаштириш орқали ташкил этилган эди. Ҳарбийлашган қоровул қисмининг бошлиғига бир вақтнинг ўзида қўшимча вазифа, яъни 3-бўлим бошлиғининг ВОХР бўйича ёрдамчиси лавозими берилганди. ОГПУнинг Дмитлаг бўлимларида ахборот-тергов бўлинмалари бошлиғи ўрнига Учинчи бўлимнинг тезкор вакиллари лавозимлари жорий этилди. Бўлимлар ва лагерь пунктларидаги ВОХР бўлинмасининг тегишли командирлари бир вақтнинг ўзида Дмитлагнинг 1932 йил 25 ноябрдаги 56-сон





буйруғига кўра "Қочишга қарши кураш бўйича 3-бўлим вакиллари ..." деб атала бошланди.

Каналда ишлаган барча одамлар Дмитров лагерининг тасарруфида ва унинг учинчи бўлимининг қаттиқ назорати остида эди. Учинчи бўлимнинг рухсатисиз ва у билан келишилмаган ҳолда, қурилишда жиддий ҳеч нарса қилиш мумкин эмас эди. Дмитров лагери каналда ишлаган барча одамларнинг тақдирини ҳал қилган. У маҳбусларни обрўйини кўтариши ҳам, яқсон қилиши ҳам ёхуд мукофотлаши ва қилган хатоси учун ўзи лойиқ бўлган ҳамда ваъда қилинган қамоқ муддатини қисқартиришдан маҳрум қилиб жазолаши ҳам мумкин эди.

Дмитлагда ва бошқа лагерларда фақат озодликдан маҳрум қилишга ёки мажбурий меҳнат лагерида сақлашга ҳукм қилинган шахслар сақланган. Меҳнат-тузатиш ишларида ишлатиш учун сургунга ҳукм қилинган шахслар лагерда қолмаслиги керак эди. Совет Иттифоқининг турли бурчакларидан одамлар Дмитлагга сургун қилинган ва уларни ишга тайинлашда хатоликка йўл қўймаслик учун Дмитлагда миллий тилларда ёзилган барча ҳукмлар диққат билан рус тилига таржима қилинарди. Умумий жазо 10 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланди. Агар маҳкумлар ушбу муддатга ҳукм қилинган бўлса ва жазо муддатининг бир қисмини ўтаган бўлса-да, лекин янги жиноят содир этган бўлса, биринчи ҳукмдан қолган муддат қуйиб кетарди ва янгидан 10 йил қўшиб бериларди. Қочганлар жазоланди, қочиб кетган вақт қамоқнинг ўталмаган муддатига қўшилди. Лагердан қочганлар жазоланарди, қанча вақт қочиб юрган бўлса, қамоқнинг ўталмаган муддатига шунча вақт қўшиларди.

Одамларни жазолаш учун район ва участка жазо изоляторлари (ШИЗО) мавжуд эди. Участка изоляторларида маъмурий жазога тортилган маҳбуслар ўтирган, бунда участка бошлиғидан паст бўлмаган лавозимдаги шахснинг имзоси керак бўлган[1: 239-б].

Район изоляторларига юбориш учун эса Дмитлаг учлигининг қарори ва бир қатор ҳужжатлар керак эди. Изоляторлар панжаралар билан ажратилган камералари бор ва тиканли симлар билан ўралган бинолар бўлган, бинодан ташқарида туну кун соқчи-пост мавжуд бўлган. ШИЗОдаги барча маҳбуслар



очик жойларда кучайтирилган кузатув остида умумий ишга олиб чиқилиши керак эди.

Ишга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган изолятордаги маҳбуслар яқинлари билан учрашув, хат ёзишмалари ва жўнатмалардан (посилкалардан) ҳам маҳрум қилинган. Очик ҳавода сайр қилиш учун маҳбуслар навбат билан битта-биттадан куролли соқчи кузатувида 20 дақиқа муддатга олиб чиқилган. Изоляторлардаги шароит жуда оғир эди – совуқ ҳамда зах, айниқса, очлик.

Тартиббузарлик билан ШИЗО изоляторларига тушиб қолиш ёки қайта судланиб, тергов ҳибсхонасига (СИЗО) тушиб қолиш ҳар бир маҳкум учун даҳшатли ҳолат эди. Негаки, у ерга тушганлар кўпинча қўшимча жазо олар ёки улар бутунлай Дмитлагга қараганда анча ёмонроқ яшаш шароитлари бўлган чекка ҳудудлардаги бошқа лагерларга юбориларди.

Одамлар бу жазолардан кўрқар эди, лекин ўрнатилган режимни эркин ёлланган ишчилар ҳам, маҳбуслар ҳам бузардилар. Улар асосан мастлик, ўғирлик ва мансабдор шахсларни ҳақорат қилиш билан ҳамда лагердан қочиш, ишлашдан бош тортиш, давлат мулкини исроф қилиш ва бошқа йўллар билан бузардилар. Аммо лагерь режимига, берилган имтиёзларга ёки умуман қамокқа олиш фактига рози эмаслигини билдирганлар ҳам у ерга тушиб қоларди. Маҳбус жазоланганда, улар жазо муддатини қисқартириш учун тўплаган имтиёзларидан маҳрум бўлган, аммо бу вақт бир йил муддатдан ошмаган. Тартиб-қоидалар шундай эди. Аммо маҳкумларнинг жазо муддатини қисқартириш учун тўплаган имтиёзларидан тўлалигича маҳрум бўлганлари ҳақида ҳам кўплаб ҳужжатлар мавжуд.

Жазолаш тарбиявий мақсадларда кўргазмалилик асосида ҳам ташкил этилган, бунда маҳкумга қўйилган айблов ва тайинланган жазо ҳақидаги буйруқ бутун лагерга эълон қилинган. Жумладан, “Ҳайдовчилар ўртасида тартиб-интизомни қатъий мустаҳкамлаш ҳамда ҳайдовчилар сафини безорилик ва чириган унсурлардан, интизомни ғаразли бузувчи, қайта тарбияланишга лаёқатсиз шахслардан тозалаш” юзасидан турли районлардан бўлган 60 нафар ҳайдовчига тегишли масала кўриб чиқилган. Улар ҳибсга олиниб, "лагерда жазо муддатини қисқартириш учун ишлаб топган барча имтиёзлардан маҳрум қилинди ва фақат умумий ишларда ишлаш учун шимолий чекка ҳудудларга юборилди".




1936 йил 1 октябрдан 15 декабргача ўғирланган лагеръ буюмларини сотишдан тушган пул миқдори (кийим-кечак таъминоти) 140 000 рублдан ошди[1: 240-б].

Маҳбуслар ўзларига берилган чарм пойабзаллар, калта тўнлар, пахта камзуллар, қалин шимлар, кигиз этиклар ва одеялларни сотганлар. Айниқса, катта миқдорда пойабзал сотилган, икки ярим ой ичида Оревск районида 458 жуфт сотилган. Ўз вақтида назорат қилмаганликлари учун ушбу ўғирликларнинг ортишида район бошлиқлари айбланган. Лагерда ўзларига берилган нарсаларни сотган маҳбуслар расман “промотчик-совурувчилар” деб аталган ва жавобгарликка тортилган. Аммо лагерда бу нарсаларни сотиб олганлар ҳам бор эди (“лагерь таъминоти маҳсулотларини сотиб олувчилар”), улар ҳам репрессияга учраган.

Лагерда кенг тарқалган кўзбўямачилик ҳам қаттиқ назорат қилинган, назорат устаси бўлган ўнбошига (десятник) бажарилган ишлар ҳажми хусусидаги сохта маълумотлар топширилар эди. Назорат устаси буни билиб қолиб, унга тақдим этилган маълумотларни қабул қилишдан бош тортганда, низолар келиб чиқарди. Маҳбуслардан бўлган бригадирлар маҳбусларни ва эркин ёлланма ишчи бўлган назоратчи-ўнбошиларни калтаклардилар. Анча вақт қурилиш районлари раҳбарияти бунга эътибор бермай келган, кейинчалик эса бундай бригадирлар жавобгарликка тортила бошлаган, район раҳбарларига эса хайфсан берилган.

Масъуллардан бўлган ишчилар ўз ваколатларини гоҳида ишлаб чиқариш зарурати сабабли, гоҳида шахсий табиати туфайли бузиб турганлар. Бундайлар йўл қўйган тартиббузарликлари учун осон қутулар эди, чунки улар қурилиш учун қимматли ишчилар саналарди, албатта, фақат керак бўладиган муддатгача. Кўпинча улар қаттиқ хайфсанлар билан қутулиб кетардилар, лекин улар йўл қўйган хатолари учун, мафқурасига нисбатан шубҳалар бўлгани учун “қилич” доимо уларнинг бошида осилиб турган.

Қароқчилик (бандитизм) ва қотиллик ҳолатлари ҳам лагерда такрорланиб турарди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди, чунки лагерда аксилинқилобчилар ва кичик жинойтларда айбланганлар билан бир қаторда жуда





кўп ўғрилар ва қароқчилар (бандитлар) ҳам бор эди. Тўғри, рецидивистлар ва таниқли безорилар Дмитлагга юборилмаган.

Лагердаги барча қатағон ва жазолар тартиб-интизом ва итоаткорликка чакирувчи чоралар сифатида қаралган. Лагернинг умумий режими барча ишчиларни, ҳам маҳбусларни, ҳам эркин ёлланганларни эзиб турарди. Аммо одамни куч ишлатиб меҳнатга мажбурлаш мумкин эмас эди, айниқса, жиноятчи унсурларни, гарчи улар ижтимоий жиҳатдан яқин ҳисобланса ҳам. Шу билан бирга, одамлар кундалик ишларда ҳам, фавқулодда вазиятларда ҳам кўплаб меҳнат жасоратларини кўрсатдилар. Улар буни бошқачасига қила олмаганликлари учун ҳам қилганлар, болалиқдан уларга сингдирилган ички онг шундай эди.


Мана, маҳбуслар оғир ва хавфли вазиятда қандай ҳаракат қилишганига бир мисол. Кузда, 1935 йил сентябрь ойининг охирида линияда катта авария юз берди, бу ҳудудда узоқ вақт электр узилишига олиб келди[1: 241-б].

Электромонтаж бўлими катта муҳандиси маҳбус А.В.Крохин бошчилигидаги катта муҳандиси электр пайвандчилар гуруҳига аварияни бартараф этиш бўйича кўрсатма берилди. Бир кундан ортиқ вақт давомида совуқ кузги ёмғир остида, одамлар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, сменасиз, алмашмай ишлаб, электр тармоғини тикладилар. Уларнинг барчаси тақдирланган. (Москва-Волгастройнинг 1935 йил 10 октябрдаги 344-сон буйруғидан, Л. Коган имзоси билан).

Аммо уларнинг деярли ҳеч бири ишлаётганда рағбатлантириш ва мукофотлар ҳақида ўйламаган. Улар бошқача қила олмадилар. Ва қандай қилиб одамни ўз ҳаётини хавф остига қўйишга мажбурлаш мумкин? Бунинг учун унинг ўзи қатъиятли бўлиши керак.

Москва-Волга канаи қурилишида иштирок этган Наманганлик маҳбусларни айримларини қуйида келтириб ўтамыз:

1. Султонов Думиш-Хан 1897 йили туғилган, ишчи, хизматчи, оилали, 1 нафар фарзанди бор, аввал судланмаган, 01.03.1934 йил Наманган шаҳар Халқ судининг 64-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 148, 234-моддалари билан судланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо






муддати 05.01.1934 йилдан хисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини Волжск районида жазо муддатини ўтаган. 10.02.1935 йили Султонов Думиш-Хан НКВД Дмитров меҳнат тузатув лагери Аттестация Комиссиясига авф сўраб ариза билан мурожаат қилган. Аризани кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Советининг якка тартибдаги аминиция комиссиясига Султонов Думиш-Ханни аризаси, анкетаси, маълумотномаси юборилган. Анкетасининг 14-пунктига авф бермаслик тўғрисида тавсия ёзиб қўйилган. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Совети ҳузуридаги суд комиссиясининг 1935 йил 9 мартдаги йиғилишида Султонов Думиш-Ханга авф бермаслик тўғрисида қарор қабул қилган[2: 5-в].

2. Назаров Эрка 15.08.1932 йил Наманган вилояти Поп тумани Халқ судининг 52-участкаси томонидан судланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Дмитров меҳнат тузатув лагеридида жазо муддатини ўтаган. Назаров Эрка СССР НКВД Дмитров меҳнат тузатув лагери Марказий Аттестация Комиссиясига авф сўраб ариза билан мурожаат қилган. Аризани 1934 йил кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Советининг якка тартибдаги аминиция комиссиясига Назаров Эркани аризаси, анкетаси, маълумотномаси юборилган. Анкетасининг 14-пунктига авф бермаслик тўғрисида тавсия ёзиб қўйилган. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Совети ҳузуридаги суд комиссияси Назаров Эркага авф бермаслик тўғрисида қарор қабул қилган[3: 70-в].

3. Файзулин Хақим 1913 йил туғилган, хизматчи, уйланмаган, аввал судланмаган, 06.10.1933 йил Наманган Чуст Халқ судининг 49-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 226-моддаси билан судланиб, 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 26.09.1933 йилдан хисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагеридида жазо муддатини ўтаган. Файзулин Хақим СССР НКВД Дмитров меҳнат тузатув лагери Марказий Аттестация Комиссиясига авф сўраб ариза билан мурожаат қилган. Аризани 1934 йил май ойида кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Советининг якка тартибдаги аминиция комиссиясига Файзулин Хақимни аризаси, анкетаси, маълумотномаси юборилган. Анкетасининг 14-пунктига авф





бермаслик тўғрисида тавсия ёзиб қўйилган. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Совети ҳузуридаги суд комиссияси Файзулин Хакимга авф бермаслик тўғрисида қарор қабул қилган[4: 183-184-в].

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар

1. Овчинникова И.Г. ГУЛАГ и люди. – М.:2014. – 352 с. (*Ушбу адабиётдан лагер ҳаётига тегишли маълумотлар таржима қилиниб мақолада фойдаланилди*)
2. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 818-иш.
3. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 538-иш.
4. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 541-иш.

